



ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ГЛОБАЛ ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИГА ҚЎШИЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Қодиржонов Адхамжон

Тошкент Кимё халқаро университети

Наманган филиали

ORCID: 0009-0003-3022-6879

a.godirjonov@kiut.uz

Аннотация. Сўнги йилларда мамлакатда хизматлар экспортини оширишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида туризм салоҳиятини такомиллаштириш ва ундан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизнинг уникал географик жойлашуви, шунингдек, Марказий Осиё минтақасининг маданий, табиий-географик жиҳатдан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини инобатга олган ҳолда туристик маҳсулотларни таклиф этишда минтақавий тур пакетларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Глобал қиймат занжири ёрдамида турист харажатларини оптималлаштириш ва унга таклиф этилаётган манзиллар сафини кенгайтириш орқали минтақанинг туристик жозибadorлигини ошириш имкониятлари мавжуд.

Калит сўзлар: хизматлар экспорти, глобал қиймат занжири, туризм, Марказий Осиё, оптимизация, зиёрат туризми, эко-туризм.

ВОЗМОЖНОСТИ ИНТЕГРАЦИИ В ГЛОБАЛЬНУЮ ЦЕПОЧКУ СОЗДАНИЯ СТОИМОСТИ В ПОВЫШЕНИИ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ТУРИСТСКИХ УСЛУГ

Кодиржонов Адхамжон

Наманганский филиал Ташкентского
международного университета Кимё

Аннотация. В последние годы в рамках мероприятий, направленных на увеличение экспорта услуг в стране, особое внимание уделяется вопросам совершенствования туристического потенциала и его эффективного использования. Учитывая уникальное географическое расположение нашей страны, а также культурные и природно-географические сходства и различия региона Центральной Азии, целесообразно разрабатывать региональные туристические пакеты при предложении туристических продуктов. С помощью глобальной цепочки стоимости существует возможность оптимизировать расходы туристов и расширить ассортимент предлагаемых им направлений, что способствует повышению туристической привлекательности региона.

Ключевые слова: экспорт услуг, глобальная цепочка создания стоимости, туризм, Центральная Азия, оптимизация, паломнический туризм, экотуризм.

OPPORTUNITIES FOR INTEGRATION INTO THE GLOBAL VALUE CHAIN IN ENHANCING THE ATTRACTIVENESS OF TOURISM SERVICES

Kodirjonov Adhamjon

*Kimyo International University in Tashkent
Namangan Branch*

Abstract. *In recent years, as part of activities aimed at increasing the country's service exports, special attention has been paid to improving the tourism potential and its effective use. Considering the unique geographical location of our country, as well as the cultural and natural-geographical similarities and differences of the Central Asian region, it is advisable to develop regional tourism packages when offering tourism products. Through the global value chain, there is an opportunity to optimize tourists' expenses and expand the range of destinations offered to them, which contributes to enhancing the region's tourism attraction.*

Keywords: *service export, global value chain, tourism, Central Asia, optimization, pilgrimage tourism, eco-tourism.*

Кириш.

Бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг қарийб 62 фоизини (WB, n.d.) таъминлаб турган хизматлар соҳасининг халқаро савдодаги улуши ҳам нисбатан юқори суръатларда ўсиб бормоқда, хусусан, 2024 йилда хизматлар экспорти 10 фоиз кўшимча ўсиш қайд этди ҳамда қарийб 9 триллион АҚШ долларини ташкил этди (UNCTAD, n.d.). Жаҳон бозорида кузатилаётган мазкур тенденция хизматлар соҳасининг ривожланиш омили сифатидаги ўрнини кучайтириб бормоқда. Айниқса, Марказий Осиё, айнан, Ўзбекистоннинг транспорт коридорларига чиқиш имкониятларининг ташқи савдо ҳажмини оширишдаги салбий таъсирини инobatга олган ҳолда, хизматлар экспортини кенгайтириш янги бозорларга кириб бориш учун мақбул ечим ҳисобланади. Мазкур ишда Ўзбекистон хизматлар экспортини оширишда туризм соҳасининг ролини ошириш, кўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда туристик бозорда иштирок этишнинг устунлик жиҳатлари ҳамда ҳамкорликни амалга оширишга тескари таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар таҳлили кўриб чиқилган. Албатта, жаҳон хизматлар экспортида туризмнинг улуши атиги 23 фоизни ташкил этаётган бир пайтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 50 фоизга етмоқда, бироқ мамлакатнинг туристик салоҳияти туризм хизматлари ҳажмини ошириш учун имкониятлар мавжуд эканини кўрсатмоқда (Қодиржонов, 2025).

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ижобий томонга ўзгараётгани, ҳукумат ва бизнес даражасида ҳамкорликларнинг кенгайиб бораётгани, халқаро майдонда ўхшаш ташқи сиёсат олиб борилаётгани хорижий мамлакатлар учун таклиф этилаётган умумий туристик маҳсулотлар ишлаб чиқиш имкониятини оширади ҳамда мавжуд тарихий-маданий, табиий-географик ўзига ҳосликдан унумли фойдаланиш учун кенг йўл очиб беради.

Адабиётлар шарҳи.

Халқаро туризм соҳаси глобал қийматлар занжири иштироки жиҳатидан энг илғор йўналишлардан ҳисобланади, чунки унда турли мамлакатлар, манзиллар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш талаб этилади. Шу жиҳатдан мазкур мавзуда амалга оширилиши лозим бўлган бўлган тадқиқотлар алоҳида олинган мамлакатлар, сиёсат, шунингдек механизмларнинг натижаларини ўрганиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, шу билан бирга давлат сиёсатининг энг маъқул усулларини ишлаб чиқишга қаратилади (Tejada ва бошқалар, 2011). Турли мамлакатлардаги иштирокчилар орасида борувчи мазкур иқтисодий муносабатлартуризм қийматлар

занжири сифатида ўрганилган. Сутомо ҳамда унинг ҳамкасблари (2022) томонидан амалга оширилган адабиётлар таҳлили натижаларига кўра туризм қийматлар занжири турли миқёсда ва турли кўламда тадбиқ этилиши мумкин, айти пайтда мамлакат, турист ва манзил хусусиятидан келиб чиққан ҳолда турли моделлар билан характерланиши мумкин.

Минтақада туризм соҳаси ривожланиши бўйича 2025 йилда нашр этилган коллектив монографиядан ҳам долзарб жиҳатларни ўрганиб чиқиш мумкин бўлиб, Голишева ва унинг ҳаммуаллифлари (2025) томонидан тақдим этилган мазкур иш мамлакатларда мавжуд умумий ва фарқли жиҳатларни аниқ кўриш имкониятини беради. Айтиқса, Ўзбекистон бўйича соҳа ривожланишининг ҳуқуқий-норматив асослари ҳам ёритиб ўтилган. Мусаева ва Молдашева (2025) эса Марказий Осиё бўйича туризм соҳасининг асосий объектлари ҳисобланган маданият ва санъат йўналишларини тартибга солишдаги ҳуқуқий жиҳатлардаги умумийликларни таҳлил этган, уларни унификациялаш имкониятларини ўрганган. Бу эса умумий таклиф ишлаб чиқиш жараёни энгил кечишига ёрдам беради, ташриф буюрувчиларнинг адаптацияси осонлашади ҳамда маданий объектлар ҳимояси ортади.

Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиши тадқиқ этаётган олимлардан Усмоновнинг (2025) иши айнан мазкур масалани очиб беришга қаратилган ишлар сирасига киритилиши мумкин, бироқ унда асосий эътибор мамлакатлар чегара худудларида жойлашган манзиллардан умумий фойдаланишга асосий эътиборни қаратган.

Ушбу ишимизда умумий маданий ёки табиий-географик объектлардан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар, ҳамда янги туристик маҳсулотлар, шунингдек унинг афзаллик жиҳатлари очиб берилиши юқоридаги ишларнинг мантиқий давоми, айти пайтда уларда таҳлил этилмаган масалалар ўрганилиши ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Мавзуни ўрганишда иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар, асосан, туризм соҳасидан олинган даромадлар ҳамда нархлар даражаси тўғрисида маълумотлар расмий статистик хизматларнинг базасидан олинishi, шунингдек, давлат органлари ҳамда халқаро ташкилотлар маълумотлари асосида таҳлиллар амалга оширилади. Биринчи навбатда, кейслар ва туристик манзилларнинг солиштирма таҳлили асосида умумий жиҳатлар аниқлаб олинди, ҳамда глобал қиймат занжири доирасида икки йўналишда туристик маҳсулотлар ишлаб чиқилди. Йўналишларни таклифи SWOT-таҳлил ёрдамида асосланди ҳамда иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил натижалари мустаҳкамланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Марказий Осиё мамлакатларида туризмнинг 3 шаклини риволантиришда трансчегаравий манзиллар пакети ишлаб чиқиш мумкин:

- зиёрат туризми
- этник туризм
- эко-туризм

Алоҳида олинганда Марказий Осиё мамлакатларининг умумий муаммоси сифатида асосий туристлар уй манзилидан узоқда жойлашгани ҳамда тўғридан-тўғри қатновларнинг камлиги, чипталар нархининг нисбатан юқори экани кўрсатиш мумкин. Шунингдек, авиакомпаниялар хизмат сифати, мавқеи ҳам уларнинг жозибадорлигини оширмайди. Халқаро авиакомпаниялар рейтингда биргина Air Astana энг юқори 100 талиқдан ўрин олган (worldairlineawards.com, 2025). Шунингдек, бугунги кунда асосий боғловчи хаблар ҳисобланган Истанбул, Дубай, Доҳа, минтақада сўнгги йилларда кузатилган ҳолатларга қадар Москва каби шаҳарларга қадар учиш вақти узоқлиги ҳам

мамлакатнинг туристик жозибadorлигини пасайишига сабаб бўлмоқда. 2022 йил якунларига кўра Ўзбекистонда туристларнинг ўртача истиқомат кунлари сони 2 кечани ташкил этган (ourworldindata.org, n.d.) Туристлик бозор ривожланган Европа аҳолиси эса сафарлар учун ўртача 8 кун, ёз ойларида эса 12-14 кун вақт сарфлашлари аниқланган (ec.europa.eu, n.d.). Ушбу бозордан туристларни жалб қилиш учун минтақада манзилларни кенгайтиришю таклиф этилаётган туристик маҳсулот мазмунини бойитиш лозим.

Шу мақсадда юқоридаги уч йўналиш бўйича минтақа мамлакатлари бўйича трансчегаравий турлар ташкил этиш мумкин. Зиёрат туризмида Ўзбекистоннинг Бухоро шаҳри, Самаркандда жойлашган Имом Бухорий мажмуи, шунингдек Тошкентда сақланадиган Усмон мусҳафи бугунги кунда кўплаб туристларни жалб қилиб келмоқда. Айни вақтда Туркистон (Қоғоғистон) да жойлашган Яссавий мажмуининг ҳам Ислон тарихидаги аҳамияти юқори эканини ҳисобга олиб, сафарни режалаштиришда ушбу йўналишларга эътибор қаратиш мумкин. Бундан ташқари, Туркменистон ҳудудида жойлашган Ҳамадоний мажмуаси ҳам Бухоро сафарининг мантиқий давоми, ёки бошланиши бўлиши мумкин. Натижада сафар кунлари сонини 6-7 кундан 12-14 кунга ошириш имконияти пайдо бўлади, сафар ҳаражатларининг оптималлашувига эришилади.

Этник туризмни ривожлантиришда ҳам минтақа мамлакатларининг миллий таркибидан унумли фойдаланиш мумкин. Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси этник жиҳатдан аралашган бўлиб, туристик маҳсулот ишлаб чиқишда бир миллат вакилларининг турли мамлакатларда яшаш хусусиятларини кўрсатиб бериш орқали бу йўналишларни ҳам ривожлантириш мумкин.

Эко-туризмни ривожлантиришда ҳам 3 тематикадан кенг фойдаланиш мумкин: тоғ, сув, чўл. Ҳар уч тематика бўйича мос равишда Ўзбекистон – Қозоғистон – Қирғизистон – Тожикистон, Ўзбекистон – Қозоғистон – Тожикистон ва Қозоғистон – Ўзбекистон – Туркменистон форматидаги туристик маҳсулотларни таклиф этиш мумкин.

Минтақада туристик соҳада қўшилган қиймат занжири яратишга таъсир этувчи омилларни қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

1-жадвал

Марказий Осиёда минтақавий туризм жозибadorлигига таъсир этувчи омиллар SWOT-таҳлили

Устунликлар	Камчиликлар
<ul style="list-style-type: none"> - маданий яқинлик - тарихий алоқалар - нархлар даражасининг ўхшашлиги - асосий туристик объектларнинг географик яқин жойлашгани 	<ul style="list-style-type: none"> - халқаро майдондаги танилиш - асосий туристлар доноридан узоқлик - темир йўли тармоқларининг етарли ривожланмагани - инфратузилма
Имкониятлар	Таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> - халқаро интеграциялашув - минтақавий иқтисодий-ижтимоий сиёсатда яқинлашув - иқтисодий ривожланиш дастурларининг интеграцияси - инфратузилма бўйича Хитой ва Европа ҳамкорлигидаги лойиҳалар 	<ul style="list-style-type: none"> - минтақавий сиёсий ва ижтимоий нобарқарорлик - ноқулай геосиёсий жойлашув - минтақавий экологик муаммолар - туристик объектлар жозибadorлиги етарлича сақланмаслиги

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридаги жадвалда келган имкониятларнинг иқтисодий таҳлилини 3 мамлакат мисолида марказий банкларининг расмий маълумотлари ҳамда Жаҳон банки статистикаси ёрдамида асослаш мумкин. Инфляция даражаси Ўзбекистон, Қозоғистон

ва Қирғизистондан мос равишда 7,3 фоиз (cbu.uz, n.d.) 12,3 фоиз (nationalbank.kz, n.d.) ва 9,2 фоизни (nbkr.kg, n.d.) ташкил этган. Бу эса туристик маҳсулотлар нархи барқарор бўлишига, курс ўзгариши рисклари ва мамлакатлар ўртасида ҳаракатланганда трансакцион харажатлар меъёрида бўлишини таъминлайди. Буни имкониятлар ичида ҳам кўришимиз мумкин. Айнан инфляцияни назорат қилиш ва тартибга олиш сиёсати бўйича қўйилган мақсадли параметрлар ҳам минтақа мамлакатларида бир бирига яқин белгиланган.

Шунингдек, долларнинг ҳарид қобиляти коэффиценти ҳам Марказий Осиё мамлакатларида нисбатан ўзаро яқин бўлиб, хизматлар нарҳини шакллантиришда энгиллик яратади ва мижозлар учун танлов жараёнини осонлашишига ёрдам беради (2-жадвал). Жадвал маълумотларидан даврлар давомидаги ўзгаришлар тенденцияси ҳам умумий ҳусусиятга эга эканини кўриш мумкин.

2-жадвал.

Марказий Осиё мамлакатлари учун ЯИМ ҲҚП бўйича ҳисоблаш коэффицентлари

Мамлакатлар	2022 й	2023 й	2024 й
Қозоғистон	3,19	2,99	2,89
Қирғизистон	3,78	3,41	3,31
Тожикистон	4,29	4,21	4,03
Туркменистон	3,14	3,18	3,09
Ўзбекистон	3,99	3,86	3,76

Манба: Жаҳон банкининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу йўналишдаги режаларнинг муваффақиятли амалга ошиши инфратузилманинг ривожлантирилишига ҳам боғлиқ бўлиб, бунда биринчи навбатда йўл ва транспорт объектларининг такомиллаштирилиши талаб этилади. Биринчи навбатда, мамлакатлар ўртасидаги ҳаракатнинг қулайликни таъминлашга тўсқинлик қилаётган қўйидаги муаммолар мавжуд:

- асосий туристик шаҳарлар ўртасида авиакатновларнинг камлиги;
- темир йўл тармоқларининг йўловчилар учун таклиф этаётган қулайликлари (тезлик, вагонлар шароити) етарли эмас.
- автомобил йўллари ва йўл четлари объектларининг етарли эмаслиги.

Бундан ташқари юқоридаги мамлакатларга боғлиқ бўлмаган ҳолда минтақа ва унга қўшни ҳудудларда кечаётган ижтимоий, сиёсий жараёнлар ҳам мазкур йўналишнинг ривожланишини ортга суриши, ёки тезлаштириши мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Марказий Осиё мамлакатлари нинг умумий жиҳатлари, маданий ва тарихий алоқалари туристларни жалб қилишдаги муаммоларга биргаликда ечим топиш имконини беради. Мамлакатларо туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш орқали туристлар учун ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш уларнинг харажатлари самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шунингдек, туристнинг истиқомат кунларининг ўртача узунлигини ҳам оширишга ёрдам беради, бу эса мазкур янги йўналишлар туристлар сонини оширибгина қолмасдан, бир туристга тўғри келадиган ўртача тушум миқдорининг ўсишига ҳам ёрдам беради.

Албатта, ушбу ғояни амалга ошириш учун давлат ва ҳусусий сектор томонидан амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор чора-тадбирларни санаб ўтиш мумкин:

- давлат томонидан инфратузилмаларни яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, бунда ДХШ форматидан кен фойдаланиш

- асосий магистрал йўллар четида ижтимоий объектлар учун жойларни имтиёзли ажратиш, тадбиркорларнинг фаолиятида ушбу мезонни киритиш

- истиқомат ҳолатини қайд этиш ва чегара назорати қоидаларини умумий стандартларга келтириш ҳамда соддалаштириш

- хусусий секторга ушбу форматга раҳбатлантириш ва халқаро ҳамкорликни фискал ҳамда маъмурий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

Бугунги кунда ушбу йўналишларда кичик корхона ёки индивидуал тадбиркорлар ишлаб келмоқда, бироқ қўламини кенгайтириш ва унинг улушини ошириш учун макро даражада юқоридаги ҳолатларга эътибор қаратилиши лозим. Натижада минтақа мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятидан фойдаланиш даражаси ортади ҳамда хизматлар экспорти ҳажми ортиши ҳисобига иқтисодий барқарорликка эришилади.

Адабиётлар /Литература/References:

Eurostat (2025). *Seasonality in tourism demand*. https://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php?title=Seasonality_in_tourism_demand

Our World in Data (2025). *Average length of stay (tourism)*. <https://ourworldindata.org/grapher/average-length-of-stay>

Sutomo, Y.A.W., Sianipar, C.P., Basu, M., Onitsuka, K. and Hoshino, S. (2023). *Tourism value chain: synthesizing value webs to support tourism development and planning*. *Tourism Review*, 78(3), pp. 726–746. <https://doi.org/10.1108/TR-12-2021-0566>

Tejada, P., Santos, F.J. and Guzmán, J. (2011). *Applicability of global value chains analysis to tourism: issues of governance and upgrading*. *The Service Industries Journal*, 31(10), pp. 1627–1643. <https://doi.org/10.1080/02642069.2010.485642>

UN Trade and Development (UNCTAD) and World Trade Organization (2025). *International trade in services statistics*. <https://unctadstat.unctad.org/datacentre/dataviewer/US.TradeServCatTotal>

World Airline Awards (2025). *World's Top 100 Airlines 2025*. <https://www.worldairlineawards.com/worlds-top-100-airlines-2025/>

World Bank (2025). *Services, value added (% of GDP)*. *World Development Indicators*. <https://data.worldbank.org/indicator/NV.SRV.TOTL.ZS>

Голышева, Е.В. и др. (2025). *Актуальные проблемы развития туризма: опыт Казахстана, Кыргызстана, России, Таджикистана и Узбекистана*. *Международная коллективная монография*. Ташкент: Science and Innovation.

Қирғизистон Республикаси Марказий банки (2025). *Иқтисодий ва молиявий статистика*. <https://www.nbkr.kg>

Қодиржонов, А.М. (2025). *Хизматлар экспорти ривожланишини тадқиқ этишининг назарий-услубий жиҳатлари*. Монография. Наманган: «Машраб» нашриёти.

Қозоғистон Республикаси Миллий банки (2025). *Макроиқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар*. <https://nationalbank.kz/ru>

Мусаева, А. и Молдашева, А. (2025). *Стратегические документы в управлении культурой и искусством в странах Центральной Азии*. *Central Asian Journal of Art Studies*, 10(2), pp. 31–54. <https://doi.org/10.47940/cajas.v10i2.963>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2025). *Расмий статистик ва молиявий маълумотлар*. <https://cbu.uz/ru/>

Усманов, М.Р. (2025). *Географические особенности использования трансграничных территории Центральной Азии в туризме*. *Финансово-экономический вестник*, 2, pp. 76–84.